

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ислохот одимлари

МАМЛАКАТНИНГ НУФУЗЛИ САНОАТ ШАҲРИ

Тайёр маҳсулотлар етказиб беришга қаратилган иқтисодий муносабатлар тизими 1990 йилга келиб издан чиқиши натижасида шаҳардаги 18 хил саноат маҳсулотларидан 10 турини ишлаб чиқариш буткул тўхтаб қолиб, 55,5 фоиз маҳсулот кам тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан мамлакатда бозор иқтисодиётига ўтиш йўли танланиб, ишлаб чиқариш тўхтаб қолган корхоналарнинг техник базасини янгилаш орқали уларни иқтисодий ночорликдан олиб чиқиш вазифаси кун тартибига кўйилди. Натижада, 1993 йилда "Бекободцемент" комбинати реконструкция қилинди, 1995 йилда Бекобод ғишт заводи моддий-техник базаси янгиланиб, йилга 12,5 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга завод қайта ишла туширилди.

Бозор муносабатига ўтишда яна бир муҳим вазифа – хусусийлаштириш сиёсати туфайли 1996 йилда шаҳардаги 3 та саноат корхонаси маҳаллий тадбиркорлик субъектлари томонидан



қайта ташкил этилди. 1996 йилга келиб, жами 209 та кичик корхона фаолияти йўлга қўйилди. Уша йили ҳукуматнинг махсус дастури доирасида ташкил этилган Товар ишлаб чиқарувчилар ва Тадбиркорлар палатаси шаҳардаги 160 га яқин кичик ва хусусий корхоналарни

бирлаштирди. 2011 йилга келиб, шаҳарда жами 4 та йirik саноат корхоналари ва 355 та тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш дас-

тури тўғрисида"ги Қарорига асосан, Бекободда саноат йўналишига ихтисослашган 19 та лойиҳани амалга оширишга 183,2 миллион АҚШ долларилик инвестициялар жалб этилди. Бунда нафақат хорижий ташкилотлар, балки маҳаллий йirik саноат корхоналари,

тижорат банклари ҳам ўз хиссаларини қўшдилар. Жумладан, тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш мақсадида 2013 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Бекобод филиали 11 миллиард сўмлик инвестиция маблағлари ажратди.

(Давоми 2-бетда).

Маҳалла ҳаёти

ЭЗГУЛИК ШУ ЕРДАН БОШЛАНАДИ

Оқсоқол Раҳматулла Олимов идорага юмуш билан келган фуқаролар қабулидан кўли бўша-гач, навбатдаги ёзув-чизувга ўтирди. Кўп ўтмай, маслаҳатчи Холисхон Ҳабибуллаева ва посбон Хусниддин Рўзибоев кириб келишди. Маслаҳатчи уч кундан бери коллежни битириб, ишга кирган маҳалла ёшларининг ҳолидан бирма-бир хабар олган бўлса, посбон 38 та кўп қаватли уйнинг қишга тайёргарлигини кўздан кечириб чиқди.



– Ўзларига мос иш топган ёшларимиз жуда хурсанд, – деди маслаҳатчи. – Айниқса, "Ўзметкомбинат" да ишлаётганларга яратилган шароитлардан мен ҳам қувондим. Ёшлар биринчи машоҳаридан яқинларига совғалар олишибди.

– Тадбиркорликка кенг йўл очилгани яхши бўлди, – суҳбатга қўшилди посбон. – Маҳалламизда ишсизлик муаммолари йўқ, вояга етмаганлар ўртада жиноятчилик ҳам барҳам топган. Бу, қайси ёшдаги фуқаро бўлмасин, муқим иш ўринлари тайинлигидан. Кеча тушдан кейин "Маданият саройи" мизга бирров кириб чиқдим. 17 та тўғрақда ўқувчилар ўзлари қизикқан машғулотлар билан банд. Кутубхона, теннис корти, ўйингоҳ ҳам ўқувчилар билан гавжум. Мактабга кириб, давомаат билан қизикдим. Ўқитувчилар мактаб билан маҳалламизнинг ҳамкорлигидан мамнун.

Оқсоқол маслаҳатчи ва посбоннинг ҳар кунги ишлари ҳисоботини тингларкан, кўнгли тўлди ва масъулот котиб Хурсаной Сулаймонова қўлига тутқазган кам таъминланган оила-ларнинг вояга етмаган фарзандлари учун нафақа олиш ҳақидаги аризаларини кўздан кечирди. Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳар кун иш шундай бошла-нади. 1056 хонадонда 3745 аҳоли истикомат қилади. Уларнинг 1620 нафари 35 ёшгача бўлган фуқаролар. Маҳаллада ёшларнинг ўқиши, спорт билан шуғулланиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. "Маданият саройи", 2 та "Ёшлар уйи", ўйингоҳ, теннис майдони улар ихтиёрида. Янги оила кураётган ёшлар тўйхона из-лаб, узоққа боришмайди.

(Давоми 2-бетда).

Даврон АҲМАД
олган сурат.

Мутахассис маслаҳати

ГҲДАК НИҲОЛ КАБИДИР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни янада таъминлаштириш тўғрисида"ги қаро-

ри инсон саломатлигини асраш, касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзининг муҳим омил бўлган тўғри ва раціонал овқатланиш маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб эт-моқда.

Соғлом фарзандни вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг орузи. Бунда боланинг қандай таом истеъмол қилаётгани муҳим аҳамиятга эга. ЎЗА мухбири Тошкент тиббиёт академияси чақалоқлар касалликлари бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Маъфура САБДУЛЛАЕВА билан шу ҳақда суҳбатлашди.

– Боланинг тўғри овқатланиши она қорнида-гидакёқ бошланмоғи керак, – дейди М. Саъдуллаева. – Агар она истеъмол қилган овқат паст қувватли бўлса, бу боланинг ривожланишига таъсир ўтказмай қолмайди. Оқибатда чақалоқнинг жисмоний ва ақлий ўси-лишда нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолат вақтида бартараф этил-маса, туғилajak авлод-

нинг саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади.

Бола туғилгач, уни кўкрак сuti билан озик-лантириш зарур. Чунки она сutiда гўдак учун зарур озиклар, юздан ортиқ микроэлементлар бор. Боланинг сувга бўлган эҳтиёжи ҳам сут ҳисобига қопланади. Сунъий озиклантириладиган болалар эмзиладиган гўдакларга қараганда турли касалликларга чалиниш хавфига кўпроқ дучор бўлиши аниқланган. Болани кўкрак сuti билан озик-лантирадиган оналарда саратон касаллиғи келиб чиқиши хавфи камайди.

Гўдакни табибий усулда парваришлаш, биринчи навбатда, она сuti билан озиклантиришдан бошла-нади. Она сuti таркиби-даги таурин, натрофил

моддалари бола мияси-нинг яхши ривожланиши учун жуда зарур.

Бу жиҳатлар эътибор-га олиниб, БМТнинг бў-лалар жағгармиси – ЮНИСЕФ гўдакларни она сuti билан боқиш ҳақида бутун дунёда кенг тарғи-бот ишлари олиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томо-нидан "Бехатар оналик" дастури амалга ошири-лаётир. Унда кўзда тутил-ган ҳомиладорлик таби-ий жараён экани эъти-борга олиниб, бу даврни иложи борида дори-дар-монсиз ўтказиш, ҳомила-дор аёлини моддий, маъ-навий, руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, чақ-алоқ дунёга келган лаҳза-данок она бағрида пар-варишлагга оид тавсия-лар берилган.

(Давоми 4-бетда).

Интеллектуал салоҳият

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР

Иқтисодиётни изчил ислох этиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш, саноатни модернизациялаш, техник ва техноло-гик янгилаш каби устувор вазифаларни амалга оширишда илм-фан ва инновация ютуқлари муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технология-ларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлан-тириш борасидаги қў-шимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу йўналишда ўз ечимини кутаётган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, илм-фан ва амали-ёт уйғунлигини таъмин-лаш, илмий-тадқиқот иш-лари қўламини кенгайти-ришда муҳим дастурил-амал бўлаётир.

Тошкент кимё-техноло-

гия институти таълимнинг кўплаб йўналишларида малакали кадрлар тайёр-лаш баробарида давлат илмий-техника дастурла-рида белгиланган вазифа-ларни бажаришда фаол иштирок этаётган илм-фан муассасаларидан. Инсти-тутнинг инновация мар-казидан маълум қилишлари-ча, бугунги кунда ўттизга яқин фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳа бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Ушбу тадқиқотлар те-гишли тармоқларни бугун-ги замон талаблари асо-

сида ривожлантириш, маҳаллий хом ашёдан рақо-батбардош маҳсулотлар олиш усуллари жорий этиш, экологик муаммо-ларни ҳал қилиш, ишлаб чиқаришда биотехнология-лардан оқилона фойдала-ниш каби устувор масала-ларга қаратилган. Мамла-катимиздаги етакчи илм-фан муассасалари ва иш-лаб чиқариш корхоналари билан йўлга қўйилган ҳам-корлик ушбу инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда юксак са-маралар бераётир.

– Ичимлик суви ва бош-қа истеъмол маҳсулотла-рини қадоқлашда поли-мер маҳсулотлардан кенг фойдаланишмоқда, – дей-ди институтнинг илмий ишлар бўйича проректо-

ри Равшан Одилов. – Ушбу идишларни фойда-ланиб бўлингандан сўнг табиатга ташлаш эколо-гик жиҳатдан зарарли-дир. Уларни қайта ишлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси. Институтимиз олимларининг изланиш-лари натижасида яратил-ган замонавий технология бу борадаги муаммолар-ни бартараф этишда му-ҳим аҳамиятга эга.

Ушбу янги усул "Ўза-бель" очик акциядорлик жамиятига қарашли кор-хоналарда синовдан му-ваффақиятли ўтди ва ик-тироғи давлат патенти олинди. Айни пайтда иш-лаш имконияти яра-тилди. Уни амалиётга жо-рий этиш юзасидан иш-лар олиб боришмоқда.

Озиқ-овқат чиқиндилар-давом эттирилмоқда. Калийли ўғит ишлаб чиқариш саноатида ҳосил бўладиган чиқинди ҳам саноат корхоналари учун муҳим хом ашё манбаи ҳисобланади. Дехқонбод калийли ўғитлар заводи билан ҳамкорликда олиб бориладиган маҳсулот иш-лаш натижасида чи-қиндини қайта ишлаш ва иккиламчи маҳсулот олиш технологияси яратилди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси гранти асосида яратилган ушбу технология ёрдамида йи-лига қарийб икки юз минг тонна чиқиндидан қайта ишлаш имконияти яра-тилди. Уни амалиётга жо-рий этиш юзасидан иш-лар олиб боришмоқда.

Озиқ-овқат чиқиндилар-

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Давлат фуқаролар-нинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 43-модда.

Мамлакатимизда аҳо-лининг ижтимоий ҳимоя-сини таъминлаш, турмуш даражасини янада юк-салтиришга қаратилган изчил ислохотлар давом эттирилмоқда. Бунда ин-сон ҳуқуқ ва манфаатла-ри устувор бўлган Кон-ституциямиз мустақам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Республика-си Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йилли-гига бағишлаб пойтахти-мизда "Конституция – ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати" мавзuida таш-кил этилган тадбирда шу ҳақда сўз борди. Унда депутатлар, Ўзбекистон "Адолат" социал-демокра-тик партияси фаоллари, Тошкент фармацевтика институти жамоаси ва та-лабалари иштирок этди.

"Адолат" социал-де-моқратик партияси сиё-сий кенгаши раиси ўрин-босари А. Раҳмонов, Тошкент фармацевтика институти проректори С. Алиев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси би-лан ишлаб чиқилган Асо-сий қонунимиз мамлака-тимизда инсон ҳуқуқ ва

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

эркинликлари ҳимоя қилинишини, тинчлик-хо-тиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимо-ий тотувликни, иқтисо-дий тараққиётни таъмин-лаб келаётганини таъкид-лади.

Конституциямизда дав-лат ҳокимиятининг бир-дан-бир манбаи Ўзбеки-стон халқи экани, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисоблани-ши белгилаб қўйилди. Мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг қонун чи-қарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлини-ши принципи мустақам-ланди. Ҳар қандай демок-ратик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарт бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати-нинг самарали механиз-ми шакллантирилди.

Бош қомусимизда фу-қаролар ҳуқуқ ва эркин-ликларини амалга оши-ришда бошқа шахслар-нинг, давлат ва жамият-нинг қонуний манфаатла-ри, ҳуқуқлари ва эркин-ликларига путур етказ-масликларни шартлиги

тўғрисидаги қоида ўз ифодасини топди. Кон-ституциямизнинг халқчил ва инсонпарвар моддала-ри замирида юртимиз-нинг ҳар бир жабҳасида кечаётган ислохотлар, шаҳар ва қишлоқлардаги бунёдкорлик, илм-фанда-ғи улкан муваффақият-ларни кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари-нинг 2001 йил 4 январ-даги "Ўзбекистон Рес-публикаси Конституция-сини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фар-мойишига биноан Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳияти ёш авлод қалби-га чуқур сингдирилмоқда. Натижада ёшларнинг ҳуқуқий билим ва тафак-кури юксалиб, уларда қонунга ҳурмат туйғуси мустақамланётир.

Тадбирда кейинги йил-ларда Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, улар мамла-катимизни янада демок-ратлаштириш ва фуқаро-лик жамияти институтла-ри фаолиятини кучайти-ришга ҳизмат қилаётга-ни ҳақида маълумот бер-илди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Бугун – Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинган кун

ТИЛ, ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ

Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларини қўшмай, факат миллдий XI асрда яратилган Маҳмуд Кош-гарийнинг "Девону луготит турк"ида келтирил-ган туркий адабиёт намуналарини Юсуф Хос Ҳожибининг "Кутадғу билиг"ининггина инобатга олганда ҳам, ўзбек тилининг қозғода муҳрлан-ган камида минг йиллик тарихи бор.

Лекин ўтмишга суяниб, дадил айтиш мумкинки, 1920-1924 йилларда фа-олият олиб борган Бухоро Халқ Республикасида туркий (ўзбек) тили дав-лат тили деб эълон қилинганнинг ҳисобга оли-маганда, 1989 йилнинг 21 октябрга қадар ўзбек тили юртимизда ҳеч қачон давлат тили мақо-мига эга бўлмаган.

"Давлат тили ҳақида"-ги Қонун эса бевосита муҳтарам Ислон Каримов

ташаббуси ва у дадил туриб бошлаган сиёсат билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса сифатида қабул қилинган эди. Республи-ка раҳбари тил сиёсати масаласини аниқ ва лўнда қилиб ўртага қўйди: мо-домики, ўзбек халқи рес-публикага ном берган экан, модомики, ўзбек халқи аҳолининг 80 фо-изга яқинини ташкил этар экан, модомики, ўзбек тилини республика аҳолисининг 90 фоиздан

ошиғи яхши билар экан, Ўзбекистонда ўзбек тили-га давлат тили мақоми берилиши керак, тамом!

Бу позиция бевосита республика халқининг иродасини ифодалар эди. Шу тариқа 1989 йил-нинг 21 октябрида "Дав-лат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилиниб, унга кўра, Ўзбекистонда ўзбек тили-га давлат тили мақоми берилди. Аммо, бу қонун республикада бошқа тил-ларнинг ривожига ҳеч қандай монелик қилма-ди, аксинча, аини ҳужжат бошқа тилларнинг ҳам эмин-эркин равнақ топи-ши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

ридан иккиламчи маҳсулот олиш бўйича амалга оши-риладиган илмий изла-нишлар ҳам самарали бўлмоқда. Узум данаги ва бандларидан маҳсулот олиш борасидаги изла-нишлар бунга мисолдир. Тадқиқотлар жараёнида аниқланишича, улар тар-кибида саноат аҳамияти-га эга кўплаб микроэле-ментлар, ошловчи модда-лар, антиоксидантлар ва шифобахш хусусиятга эга ёғ мавҳуд. Институт олим-лари яратган янги техно-логия узум данаги ва бандларидан бир қатор табиий моддалар олиш ҳамда улардан озиқ-овқат саноатида фойдаланиш имконини бермоқда. Бу борада Республика озиқ-овқат саноати корхонала-ри уюшмиси билан ҳам-корлик яхши самара бе-раётир.

(Давоми 2-бетда).

Бугун – Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинган кун

Очилиши айтганда, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши амалда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиш учун ташлаган дадил қадами, миллий озодликка эришиш йўлидаги туб бурилиш эди. 1991 йилнинг 31 августда мустақилликка эришдик. Бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Асосий қонуни-мизнинг 4-моддасида мана бундай сўзлар қайд этилди:

“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди”.

Тил – тараққиёт омили ҳисобланади. Чунки ҳар қандай халқнинг онг-тафаккури, ақл-идроки, маънавияти тил орқали ифодланади.

Сиёсат ҳам бевосита тил билан боғлиқ тушунча. Чунки ҳар қандай сиёсат бевосита тил орқали юритилади. Халқ мустақил сиёсат олиб бориши учун унга, аввало, сиёсий тил керак. Оқич тан олиш керакки, тарихда ҳеч қачон замонавий тушунчадаги ўзбек сиёсий тили шаклланган эмас.

Аччиқ ҳақиқат шуки, фақат таржима орқалигина бирор халқ тарихида чинакам сиёсий тил пайдо бўлмаган, пайдо бўлмайдими. Боз устига, давлат тили мақомига эга бўлмаган тил ҳеч қачон рўстаканга сиёсий тилга айлана олмайди.

Шундай бир шароитда – 1989 йилнинг 23 июнидан, яъни муҳтарам Ислон

(Давоми. Боши 1-бетда).

Каримовнинг Ўзбекистонга раҳбар бўлган кундан ўзбек тилининг сиёсий тилга айланиши жараёни ниҳоятда жадаллашиб кетди. Биринчидан, тузум, шунга мутаносиб ҳолда дунёқараш ўзгаргани туфайли таржима тили сифатидагина шаклланган ўзбек сиёсий тилидаги кўп тушунча ва сўзлар амалдаги сиёсат тилидан

ТИЛ, ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ

“сиқиб чиқарилди”. Сиёсатнинг демократлашгани, якмамақуравий тузум ва синфий дунёқарашдан воз кечилгани, бозор иқтисодиётига ўта борилиши, хусусий мулк пайдо бўлиши, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш сари ташланаётган дадил қадамлар шунга ундади.

Айталик, “ўртоқ” сўзи – тилимизда азалдан бор. “Ўзбек тилининг этимологияси”да “ўртоқ” сўзи киритилган бу сўз русча “товарищ”нинг таржима-си тарзида сиёсий атамага айланган эди. У мустақиллик йилларидаги ўзбек сиёсий тили таркибидан чиқиб кетди. Президент Ислон Каримов нутқида унинг ўрнини “хонимлар ва жаноблар”, “дўстлар”, “юртдошлар”, “ватандошлар”, “биродарлар”, “хамшаҳарлар”, “барака топқурлар” каби самимий, халқона, юксак даражадаги ўзбекона муомала маданиятига мос сўзлар эгаллай борди.

Демак, сиёсий тил ривожининг бевосита дунёқараш билан чамбарчас боғлиқлигини Президентимиз асарлари тилида

“синф”, “формация”, “капитализм”, “империализм”, “эксплуатация” каби илгари ўта фаол ва бевосита мафқуравий дунёқараш билан боғлиқ бўлган сўзлар учрамаслигида ҳам кўрамиз.

Сиёсий нутқ шундайки, сўз тугул, баъзида бўгин ё қўшимча ҳам жиддий маъно аглабтиб қолади. Кўпчилигимиз буни фарқ-

бир нозикликини айтиб ўтиш керак. “Халқ” атамаси Президент нутқида ҳозир қарийб 30 миллионга етаётган мамлакат ахлини ифодалайди. Ҳам Ўзбекистон халқини, ҳам ўзбек халқини кўзда тутишга эҳтиёж туғилгудек бўлса, Юртбошимиз “халқимиз, миллатимиз” тарзида икки сўзни бақамти қўллади.



лайвермаймиз. Лекин Президент бундай нозик хижатларга ҳеч ҳам бефарқ эмас. Айталик, илгари “Ўзбекистон халқлари” деган атама фаол ишлатилар эди. “Ўзбекистон халқлари тарихи” деб қўлланганини эслайлик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида бу масала узил-кесил ҳал этилди – мамлакатимизда битта, ягона халқ, яъни Ўзбекистон Республикаси халқи яшайди: “Ўзбекистон Республикаси халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”. Шу билан боғлиқ яна

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши амалда мамлакатимиздаги бошқа тиллар ривожини учун ҳам ҳуқуқий асос бўлди, дейиш мумкин. Ҳозир Ўзбекистонимизда 7 тилда умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд. Уларнинг ҳаммаси учун ўзимизда дарслик ва қўлланмалар яратилапти. Мамлакатда истиқомат қилаётган миллатлардан 5 таси (ўзбек, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, рус) тилида эса матбуот чоп этилади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 26 йиллигини нишонлаётган эканмиз, та-

рихни эсдан чиқармаслигимиз ва Ўзбекистонимизда аввал бошдан тўғри тил сиёсати юритилаётганини англашимиз учун давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” тўпламидан айрим парчаларни келтириш лозим кўринади:

“...Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмас керак. Бу аллақачон юз бериши лозим бўлган ҳодиса эдики, аҳолимиз кўпчилигининг қонуний талаби ҳам шу эди” (69-бет).

“...Ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдинини билмайдиган, келажги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишди” (69-бет).

“Умуман... агар рус миллатига мансуб киши ўзбек тилини билса, ўзбек эса рус тилини билса, бунинг устига ҳозирги ёшларимиз яна учинчи тилини ҳам билсалар, нур устига аяло нур бўлмасми?” (70-бет).

Утган 26 йил давомида ўзбек тили чинакамига давлат тилига айланди.

Бу тилда сиёсат юритилапти. Тилимиз ҳар тарафлама ривожланиб, амал қилиш қўламини йил сайин кенгайиб бораёпти.

Тилининг раванки амалда халқнинг раванкидан далолат беради. Чунки ҳар қандай фикр биринчи гада тил орқали баён этилади. Ҳар қандай фан ёки техникани тил воситасида ўрганамиз, ривожлантираемиз. Шундай экан, тил, тараққиёт ва маънавият бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалар эканини асло унутмаслигимиз керак.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари
номзоди.

МИЛЛИЙ ТАФАККУРИМИЗ ИФОДАСИ

Ўзбек тили дунё тиллари орасида ўзига хос мавқега эга эканлигини таъкидлаш жоиз.

Махмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асаридаги қайдлар ўзбек тилининг тарихий тараққиётига доир муҳим маълумотлар сифатида аҳамиятлидир. Юсуф Хос

Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Хоразмийнинг “Мухаббатнома”, Рабғузийнинг “Қисса Рабғузӣ” асарлари, Атоий, Саққокий, Сайфи Сароний, Лутфий, Алишер Навоийнинг бой илмий-адабий мероси ўзбек тилида яратилган нодир манбалар ҳисобланади.

Ўзбек тилининг мавқеини юксалтиришда улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг хизматлари бекиёс. Шойир ўзбек тилининг кенг имкониятларга эга эканини назарий жиҳатдан асослади, “Муҳокамат ул-лугатайн”-дек ноёб асар яратди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тилшунослик тараққиётидаги ҳиссаси, тилимиз раванки йўлидаги сай-ҳаракатлари, “Бобурнома”да келтирилган тилшуносликка доир маълумотлар эътиборга моликдир.

Бундан йигирма олти йил муқаддам республикамиз раҳбари Ислон Каримов раҳномалигида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Утган давр мобайнида она тилимизнинг вазифа доираси кенгайди, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътибори ошди. Президентимиз раҳномалигида ўзбек тилининг давлат тили сифатида мақоми янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу сай-ҳаракатлар самарасида ўзбек тили давлат тили, давлат рамзи, миллий маданият ва маънавиятнинг ифодаловчи ҳамда уларни келажак авлодларга етказувчи муҳим мулоқот воситаси даражасига кўтарилди. Миллий тафаккур ифодаси, миллатлараро алоқа воситаси сифатида жамиятимиз раванкига хизмат қилмоқда.

Ўзбек тилини такомиллаштиришга хизмат қиладиган тадқиқотлар қўламини ортомқода. Тил ва нутқ муносабатини психик механизмга алоқадорликда таҳлил этадиган психоллингвистика, тил ва маданият муносабатларини ёритувчи лингвокультураология со-

ҳасига доир тадқиқотлар амалга оширилди. Ёшларнинг ўзбек тилини назарий жиҳатдан ўрганишга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда.

Она тилимизни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш ва бу анъаналарни навқирон авлод онгу шурига чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бугун ўзбек тилидаги интернет сайтлари тобора кўпаймоқда. Ёшларимиз интернет орқали ишланган маълумотни ўз она тилида топиш имкони кенгайгани ўзбек тилининг функционал доираси ривожланиб бораётганини кўрсатади. ZiyoNET тармоғидан ўзбек тилидаги 71 мингдан зиёд электрон адабиётлар жой олгани она тилимизга бўлган эътибордан далолатдир.

Бу борада Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида амалга оширилган ишларни таъкидлаш жоиз. Хусусан, ўзбек филологияси факультетининг “Тил назарияси ва амалиёти” кафедрасида 2000 йилдан буён ҳар икки йилда “Тилшуносликнинг долзарб масалалари” мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилмоқда. Кафедрада иқтидорли талабаларнинг “Лингвист” илмий тўплами нашр этилади. Тўплам тил тарихи, лексикология, лексикография, морфология, синтаксис, социоллингвистика, психоллингвистика, прагматлингвистика, компьютер лингвистикаси каби соҳаларга оид мақолаларни қамраб олади.

Тилшуносликнинг янги йўналиши бўлган компьютер лингвистикаси борасида қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Уни-верситет докторанти Нилуфар Абдурахмонова компьютерда автоматик таржимага доир китоб яратди. 2014 йили талабалардан Фароғат Курбонованинг “Компьютер лугатлари: тезаурус”, 2015 йилда Лобар Абдуҳамидованинг “Тилшуносликнинг янги йўналишлари: компьютер лингвистикаси” қўлланмалари чоп этилди.

Улуг мутафаккир Алишер Навоий “Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзаннинг қалбини сўз бил” деган. Инсон қанча билимга эга бўлмасин, уни сўз ва нутқ орқали ифодалаб бера олмас, бундай илм ва малаканинг ўзгаларга нафи тегадими. Шу сабаб ота-она фарзандида аста-секин сўзлаш лавқатини шакллантириб бориши керак. Болага гўдақлигидан, кейинроқ мактабда чироқий сўзлаш, она тилимизни бузмаддан соф ҳолда гапиришни ўргатишимиз шарт.

Ҳар бир тилнинг умрбоқийлиги шу тил соҳибларининг ундан қанчалар унумли фойдаланишида, уни асраб-авайлашида, миллий тил тараққиёти ва раванки учун масъулиятни ҳис қилишида акс этади. Тилимизнинг илдири бақувват, сеҳру жозиба-си дунёни хайратга солар даражада бекиёс. Тилни асраб-авайлаш, уни ривожлантиришга ҳисса қўиш, мавқеини юксалтиришга интилиш аждодлар олдидаги бурчимиз, авлодлар олдидаги масъулигимиздир.

Зулхумор ХОЛМОҲОВА,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори.
Ў.А.

Маҳалла ҳаёти

ЭЗГУЛИК ШУ ЕРДАН БОШЛАНАДИ

Маҳалланинг муҳташам тўйхонасидаги тадбирларга оқсоқол ва фаоллар хамиша бош-қош.

Маҳаллада қариялар, ётиқлик беморлар ҳолидан тез-тез хабар олинади. Айниқса, 4 нафар ёлғиз қария алоҳида эътиборда. Маҳалла фуқаролар йиғини кўрсатаётган моддий ва маънавий ёрдам уларнинг кўнгилни кўтармоқда. Бундай са-

(Давоми. Боши 1-бетда).

вобли ишлардан ёшлар ҳам четда қолишмаётгани йўқ, вақти-вақти билан кексаларнинг уйларида тўйлар тўзалаб, дуоларини олишяпти. “Ўзметкомбинат”, музқаймоқ қорхонаси каби тадбиркорлик субъектларининг хоми-йлиги туфайли маҳалла тобора обод бўлиб бораёпти. Кам таъминланган оилалар, беморларнинг кўнгилни олинаяпти. Масалан, бу йил 3 та кам таъмин-

ланган оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказилди, 40 фуқаронинг Самарқанд, Хоразм ва Тошкент шаҳрининг мукаддас қадимжоларига саёҳати уюштирилди. Қўчаларнинг озодлиги, қабристоннинг ободлиги эса ҳафтанинг ҳар шанбаси ўтказилаётган ободонлаштириш ишларининг натижаси.

Нозима АРСЛОНОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири.

Ислохот одимлари

МАМЛАКАТНИНГ НУФУЗЛИ САНОАТ ШАҲРИ



Истиклол йилларида иқтисодий инфратузилмаларни ривожлантиришда кредит тизимининг ўрни катта бўлди. Тижорат банклари 1996 йилда 164,6 миллион сўм кредит ажратган бўлса, 2008 йилда кичик бизнес ва микрофирмаларни қўллаб-қувватлаш учун “Ипотека” банки 40 миллион сўм, “Микрокредит-банк” 205 миллион сўм кредит ажратди. Бекобод шаҳрида 2010 йил давомида яқна тартибдаги тадбиркорлар, шу жумладан тадбиркор аёлларни жами 6 миллиард 137 миллион сўмлик кредит маблағлари билан таъминланди.

Бекободда йирик саноат қорхоналарининг қайта ташкил этилиши билан ташки иқтисодий алоқалар ҳам йўлга қўйилди. Масалан, 1996 йилда республикадаги маҳаллий маҳсулотлардан саноат қорхоналари учун металл буюмлар (шурпу, гайка) ишлаб чиқариш мақсадида Бекобод шаҳридаги “ХИМИЧ” заводиди-даги бўш омборхона ўрнида Германиянинг “VEMX” савдо палатасидан сотиб олинган металл буюмлар тайёрловчи 5 та дастгоҳ ўрнатилди. Шунингдек, 1997 йилда “Бекободцементтаъмир” ва Швециянинг “Swedala International” қорхоналари ўртасида це-

(Давоми. Боши 1-бетда).

мент комбинатида ишлатилаётган жиҳозларга эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берувчи қорхона барпо этиш юзасидан шартнома имзоланди.

Ўзбекистон металлургия комбинати 1996 йилдан бошлаб Англия, Германия, Финляндия, Эрон билан турли ҳам ва нусхадаги юқори навли чигиркичларни экспорт қилиш ҳақида икки тарафлама шартномалар имзолади. Шунингдек, 2000-2007 йилларда мазкур қорхонанинг моддий-техник базасини ривожлантириш учун 63 та янги технологиялар жалб этилди.

Хорижий инвестиция дастури доирасида 2007 йилда “Бекободцемент” заводи куруқ цемент клинкерини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Хитойнинг “China CAMC Engineering Co, LTD” қорхонаси билан шартнома имзолади. 2013 йилда 750.000 тонна лойиҳавий қувватга эга мазкур қорхона ишга туширилди. Цементни куруқ ҳолда тайёрлаш орқали юқори самарадорликка эришишдан ташқари, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш имкони яратилди. 2013 йилда мазкур завод масъулият чекланган жамиятга айлантирилди. Шунингдек, 2009 йилда маҳаллий инвестиция дасту-

ри туфайли “Ўзбекистон металлургия комбинати”нинг 19,2 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳаси асосида қислород компрессор цехида 1978 йилдан буён ишлатиб келинаётган 2-“К-5” блоқи замонавий техникага алмаштирилди.



теъмол моллари ишлаб чиқариш 1995 йилдаги 409 миллион сўмдан 2014 йилда 95 миллиард 685 миллион 200 минг сўмга етди.

Хулоса қилиб айтганда, Бекобод шаҳар иқтисодий инфратузилмаси бугунга келиб янада жадал ривожланиб бормоқда. Бир пайтлар шаҳар реурсларидан факатгина хом ашё манбаи сифатида фойдаланилган бўлса, мустақиллик йилларида саноатнинг янги тармоқлари юзага келди. Бугунги кунда Бекобод республиканинг муҳим саноат шаҳри сифатида тобора юксалиб бормоқда.

Жамшид ПИРИМҚУЛОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти катта илмий ходими-изланувчиси.

Янгийул туманида иш бошлаган трикотаж фабрикаси маҳсулотлари сифати ва бежирим дизайни билан қисқа фурсатда харидориги бўлди. “Тошкентвино” акциядорлик жамияти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу фабрика мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилиш, замонавий технологияларни кенг жалб этиш орқали рақобатбардор ва экспортбон маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган эътиборнинг юксак самараси дейиш мумкин.

КОРХОНА МАҲСУЛОТИ ЭКСПОРТБОП

Енгил саноат жамият учун янги соҳа бўлишига қарамай, қорхона сўнгги русумдаги замонавий тўқувчилик, тикувчилик дастгоҳлари билан жиҳозлангани боис маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Энг муҳими, 200 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, ишлатилганларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли, тўқсон фоизи эса тумандаги қасб-хунар коллежаларини битирган ёш мутахассислар.

– Бу йил Гулбаҳор саноат қасб-хунар коллежини тамомладим, –

дейди Шохсанам Тожиева. – Туманимизда шундай замонавий қорхона барпо этилгани туфайли тенгдошларим қатори мутахассислигим бўйича ишга жойлашдим. Энди коллежда олган сабақларимни амалиётда қўллаяпман.

Қорхона маҳаллий чеварлар қўлидан чиқаётган бошлар ва катталар ки-йим-кечақларининг асосий қисмини экспорт қилишни бошлаб юборди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири.

Интеллектуал салоҳият

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР

Мамлакатимизда шולי етиштиришнинг замонавий усуллари жорий этилиши аҳолининг гуруҳга бўлган талабини тўла қондириш ва маҳсулот таннарини арзонлаштиришга хизмат қилмоқда. Мамлакумиз, истеъмолчиға етиб келгунча гуруҳга бир неча босқичда ишлов берилади. Шолини оқлаш жараёнида маълум микдорда кепак ҳосил бўлади. Олимларимиз ушбу чиқитни пахта шротини билан қўшиб, биотехнологик ишлов бериш асосида бузқолар учун сут ўрнини босадиган янги биологик маҳсулот олишга эришди. Бу маҳсулотни қўллаш чорвачиликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Балиқчиликни ривожлантиришда сифатли ва арзон озуқа базасини яратиш муҳим вазифалардан.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пахта шротини асосида ачитқили, госсиполсизлантйрилган маҳсулот олиш технологиясининг назарий асослари яратилиши бу борадаги яна бир муҳим изланишлардан бўлди. Бу жараёнда ёғ-мой саноати чакундиларидадан олинган маҳсулот балиқчилик соҳаси учун самарали ва фойдали озуқа бўлиб хизмат қилиши илмий жиҳатдан асосланди.

Анъанавий ўтказилаётган Республика инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида институт олимларининг бундай илгор технологиялари мутахассис ва амалиётчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Навоий вилоятидаги балиқчиликка ихтисослашган “Шамс Навоий” кичик қорхонаси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ҳозирги кунда мазкур қор-

хонада ушбу озуқани ишлаб чиқаришнинг янги технологияси ўрнатилиб, ундан самарали фойдаланилмоқда.

Мазкур ярмаркада имзоланган яна бир ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, олимларимиз яратган енгил рафинацияланган пахта мойи ва кам госсиполли шрот олиш технологияси ўн саккизта ёғ-мой қорхонасида жорий этилди. Натижада ишлаб чиқарилаётган пахта мойининг сифати сезиларли даражада яхшиланди. Шу билан бирга, чорвачилик ва паррандачилик учун экологик тоза озуқа ишлаб чиқарилмоқда.

Қоғоз ўтимида қандай қадрланган бўлса, бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга асос бўладиган табиий ўрмонлар турли экологик

офатлар таъсирида йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Шу боис қоғоз олишнинг янги манбаларини топиш жаҳон илм-фанининг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Топинамбур ўсимлигидан қоғоз олишга оид технологиялар ушбу йўналишда катта қизиқишга сабаб бўлаётган лойиҳалардан биридир.

Топинамбур ёввойи ҳолда ўсади. Ушбу ўсимлиқнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида уни маданий шароитда ўстириш, тиббиёт, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиш бўйича самарали тадқиқотлар ўтказилган. Тошкент кимё-технология институти олимлари ушбу ўсимлик поянсини қайта ишлаш натижасида целлолоза ва қоғоз олиш технологиясини яратди. Ихти-

ро “Наманган қоғози” очик акциядорлик жамиятида саноат миқёсида амалга татбиқ этилди.

Республика инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари илм-фанимизнинг бундай ютуқларини амалиётга татбиқ этиш ва фан тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир. Жорий йил бўлиб ўтган саккизинчи ярмаркада институт олимлари ишлаб чиқариш қорхоналари билан инновацион ишланмалар ва ихтироларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тўрт юз миллион сўмликдан ортиқ шартнома имзолади. Бундай ютуқларни амалиётга татбиқ этиш мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
Ў.А. муҳбири.

Партиялар ҳаёти

ЭНГ ФАОЛ АЁЛ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида юртимизнинг бугунги кунда эришган ютуқларида аёл тафаккури, аёл меҳнати ҳамда унинг фаол иштироки борлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлайди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, турли соҳалардаги лойиҳаларини амалиётга татбиқ этмоқда.

– “Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол аёли” кўрик-танлови хотин-қизлар ўртасида илк бор ўтказилмоқда, – дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Сиро-жиддин Аъзамов. – Шундай бўлсада, танлов орқали 200 дан ортиқ хотин-қиз вилоят кенгашига ариза билан мурожаат қилди. Уларнинг ҳар бири танловда фаол иштирок этди.

Шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 18 хотин-қиз “Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол аёли” кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди.

Наргис ҲАСАНОВА.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши Куйи Чирчиқ туман кенгаши, “Микрокредитбанк”, “ЕСЕ TEXTILE” кўшма корхонаси туман филиали, касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликда “Истиклол берган имтиёз ва имкониятлар” мавзусида семинар ташкил этди.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН
ИМКОНИЯТЛАР

Вилоят ва туман депутатлари, касб-хунар коллежларида тикувчилик йўналиши бўйича тахсил олаётган ўқувчилар ва уларнинг устозлари, партия фаоллари, “VIA TEXTILE” тикув цехи вакиллари иштирокидаги тадбирда ёшларга кўрсатилаётган ҳамхўрлик, берилаётган имтиёз ва яратилаётган имкониятлар тўғрисида сўз борди.

– Ёшларга ҳар томонлама қўмаклашиш барчамизнинг масъулияти вазифамиздир, – дейди ЎзМТП вилоят кенгаши раҳбари Махмуд Назаров. – Бугунги кунда банклар ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар бермоқда.

Тадбир сўнида ЎзМТП вилоят кенгаши вакиллари тадбиркорлик билан шугулланувчи ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Қонунга шарҳ

Бугун “реклама” ибораси кундалик ҳаётимизга сингиб улгурди. Телевидение, радио, босма ахборот воситалари

ва марказий кўчаларда, йўл бўйларида- ги катта шитларда турли рекламаларга кўзимиз тушади.

ТАШКИ РЕКЛАМА
ҚАНДАЙ ТАРТИБГА
СОЛИНАДИ?

Реклама – бозор иқтисодиётининг ажралмас бўғини ҳисобланиб, мустақиллик йилларидан бошлаб тадбиркор ва ишбилармонлар тилидан тушмайдиган бўлиб қолди. Республикада реклама фаолияти 1998 йил 25 декабрда “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солина бошланди. Ушбу Қонунда рекламага қўйиладиган таъриф берилган. “Реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборотдир”.

Яъни, маҳсулот (хизмат, иш)га қизиқишни шакллантириш ва унинг амалга ошишига қўмаклашиш учун маҳсулотнинг муайян марказига (моделига, артикулига) ёки унинг ишлаб чиқарувчисига истеъмолчининг эътиборини атайин жалб этувчи, шунингдек, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки тарқатувчи шахсга тааллуқли маълумотлардан (рекламалардан) иборат ахборот материали, муаллиф ва тахририят материали – реклама ҳисобланади. Қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламалардан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шаклда ва воситалардан фойдаланиш рекламалар доирасосий талаблардир.

“Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси учинчи қисми талабига кўра реклама “Реклама” ёки “Реклама ўрнида” руқни остида жойлаштириш мумкин. Маҳсулот махбурий сертификатлаштириш лозим бўлган ҳолларда, мазкур маҳсулот рекламасига “товар сертификатланган” ёки “товарлар сертификатланган” ахбороти, агар маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки сотиш лицензиялаштириш лозим бўлса, маҳсулот рекламасида “хизмат кўрсатиш лицензияланган” ёки “хизматлар кўрсатиш лицензияланган” ахбороти илова қилиниши керак.

Ташқи реклама тушунчасига “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида

изоҳ берилган. Унга кўра ташқи рекламага алоҳида махсус конструкцияларда, тахталавҳаларда, экранларда, биноларда, иншоотларда, йўл чеккаларида, кўча ёриткичларининг таянчлари ва ҳоказоларда жойлаштирилган реклама кириди. Уларни жойлаштириш тартибини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайди. Ушбу модда ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар асосида Тошкент вилоятида ташқи рекламани жойлаштириш тартиби ишлаб чиқилган. Яъни, вилоят ҳокимиятининг 2003 йил 13 августдаги 160-сонли қарори билан “Тошкент вилоятида ташқи рекламани ва транспорт воситаларида рекламани жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланган. Низомда ташқи реклама воситаларига 500 см² ва ундан ортиқ майдонли турли қўрилишдаги реклама, ахборот ва ижтимоий йўналишдаги маълумотлар жойлаштирилган воситалар қилиниши (театр ва концерт афишалари, маданий, спорт ва бошқа йўналишдаги тадбирлар) кўрсатиб ўтилган.

Вилоятда ташқи реклама воситаларини жойлаштириш ва назорат қилиш ишларини вилоят ҳокимиятининг ташқи рекламани жойлаштириш бўйича Комиссияси амалга оширади. Реклама берувчилар (реклама тарқатувчилар) билан алоқа ўрнатиш, ташқи реклама воситаларини ҳисобга олиш, паспортлаш, реклама берувчиларнинг бў-юртмаларини Комиссияга тақдим этиш ҳамда ташқи реклама воситаларини жойлаштириш Низомига рия этилишни таъминлаш ишларини Комиссиянинг вақили органи – “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси вилоят бўлими олиб боради.

Низомда реклама берувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам кўрсатиб ўтилган.

Мажбуриятлардан бири – вилоятда реклама воситалари фақат рекламани жойлаштиришга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳнома асосида жойлаштирилиши лозим. Яъни, ҳар хил қўрилишдаги реклама воситаларини ўрнатиш ва уларга Комиссиянинг рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳномаси олинмасдан жойлаштириш ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва ноқонуний, яъни ташқи рекламани жойлаштириш тартибига рия қилмаслик ҳисобланади.

“Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасида рекламалар оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик кўрсатилган. Унга кўра, реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи жисмоний шахслар нотўғри реклама берилганлик, аксилреклама беришдан бош торганлик, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишни тўхтатиш ҳақидаги қўрсатмани ўз вақтида баҳармағанилик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига рия қилмаганлик, реклама ахборотида тааллуқли ҳужжат ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 июндаги 243-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Хусусий-лаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг худудий органларига рек-

лама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига рия этилиши ушбу давлат назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси ўтказган кўрик ва таҳлиллар домида ҳўжалик юритувчи субъектлар (шу жумладан, жисмоний шахслар) вилоятда жойлаштирилган ташқи рекламаларга белгиланган тартибда рухсат олмаётгани, Низом талабларига рия қилмаётгани кузатишмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида ташқи рекламани жойлаштириш тартибига рия қилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-1-моддаси 2-қисмига асосан 10 та ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари (шу жумладан фуқарога нисбатан маъмурий чоралар қўрилди).

Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, қонунчиликка амал қилиш юзасидан вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармасининг ташаббуси билан мутасадди ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда шу йил март ойида вилоят шаҳар ва туманларида “Рекламани тартибга солиш ойлари” ўтказилди. Бунда тадбиркорлар иштирокида семинарлар ўтказилиб, уларга “Реклама тўғрисида”ги Қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Тадбиркорлар ва жисмоний шахслар вилоятда ташқи рекламани жойлаштиришда “Реклама тўғрисида”ги Қонун ва “Тошкент вилоятида ташқи рекламани ва транспорт воситаларида рекламани жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига қатъий рия қилишлари лозим.

Батафсил маълумот олиш учун худудий бошқарманинг (0371) 268-23-21 (қабулхона), 268-22-43, 267-74-64 (ишонч телефони) рақамларига ёки вилоят ҳокимиятининг www.tashvil.gov.uz сайтига мурожаат қилишингиз мумкин.

Умриузқ ФАНИЕВ,
вилоят Хусусийлаштириш,
монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
худудий бошқармаси бош
мухассиси.

Абдували ЖАЙНАҚОВ,
худудий бошқарманинг
юридик бўлими бошлиғи.

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом”га асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Пискент санат, иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежи	Пискент тумани, Дўнгўрғон ҚФЙ
2.	Пискент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи	Пискент тумани, Оқтепа ҚФЙ
3.	Янгийўл қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи	Янгийўл тумани, Саид-ота МФЙ
4.	Паркент транспорт ва сервис касб-хунар коллежи	Паркент тумани, Кувш шаҳарчаси

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, ҚХНнинг таълим йўналишларида камид биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот), таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стаж 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, ҚХНнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидagi шахсларга иш стаж талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ҳодимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари” малака талабларига жавоб бериши керак.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРЎНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март кун 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини ағаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом” асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига ТАНЛОВ эълон қилади:

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:
1. Зангиота агросервис касб-хунар коллежи;
2. Охангарон политехника касб-хунар коллежи;
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:
1. Байтўғрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи;
2. Қўйи Чирчиқ хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи;
Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари:
1. Чирчиқ тиббиёт коллежи;
2. Охангарон тумани Нуробод энергетика ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи;
3. Охангарон педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи;
4. Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий коллежи;
5. Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи;
6. Охангарон транспорт ва сервис касб-хунар коллежи;
7. Юқори Чирчиқ қурилиш ва сервис касб-хунар коллежи.
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март кун 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини ағаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом” асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига **КАЙТА ТАНЛОВ** эълон қилади:
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари:
1. Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи.
Директор ўринбосари лавозимига танловда иштирок этувчи номзодлар:

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига

академик лицей, ҚХНнинг таълим йўналишларида камид биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно) ли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас;

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас;

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига ҚХНнинг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот ва 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган номзодлар иштирок этишлари ҳамда 2008 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-1-сон билан рўйхатга олинган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳодимлари асосий лавозимларининг малака талаблари” қўллаш бўйича йўриқнома” малакавий талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ҳодимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари” малака талабларига жавоб бериши керак.

Танловда иштирок этиш ҳоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома асли (сўровноманинг барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартирилмаслиги ўз қўли билан тўлдирилиши керак);
3. Тажрибамо ҳол (қўл ёзма);
4. Маълумотнома (сўрақча-объектсика);
5. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (кадрлар бўйича инспектори томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таълим муассаса томонидан дипломининг ҳақоний эканлиги ҳақида гербли мўҳри билан тасдиқланган маълумотнома);
7. Тиббий қўриқдан ўтганини тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
8. ИИБдан маълумотноманинг асли (расмий сўровномага (запрос) асосан);
9. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси (уларнинг ҳақонийлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат);
10. Паспорт нусхаси;
11. Харбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);
12. 6 та фотосурат (3х4);
13. ИИН, пенсия жамағари бориладиган дафтарча нусхалари;
14. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёр шаклда ёзилган режиси).
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қўйи тумани, Қорамурт кўчаси, 1-йўл.
Маълумот учун телефон: 150-40-37.

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!
Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2340-сонли Қарорига асосан инвесторларга сотилиши белгиланган қуйидаги акциядорлик жамиятининг давлат акция пакети бўйича Биржа савдоларига тақлиф этади.

№	Жамиятининг номи	Юридик манзили	Фаолият ихтисослиги	Давлат акция пакети фоизи (%)	Акциялар сони (дона)	Акциялар пакети бошланч нархи (сўмда)	Савдо ташкилотчиси	Дастлабки савдо санаси
1	Тошкент вилояти “Кийшлоқхўжалик” ХАЖ	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод Қ.Ф.Й, Иқтисодхона комбинати, 1-йўл	Кийшлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш	34,77	213 567	22 528 902 300,0	“Тошкент” Республика Фонд Биржаси	25.11.2015 й

Давлат активларини миллий валютага сотиб олиш учун харидор (унинг вакили ёки воситачиси) савдолар бошлангунча пул маблағларини белгиланган депозитга қўйиш шарт.
Пул маблағлари давлат активининг ва воситачисининг номини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда депозитга қўйилиши мумкин.
Пул маблағлари харидорнинг воситачисининг кўрсатмасидан депозитга қўйилган тақдирда ҳисоб-китоб-қилиринг ташкилотига топириқ-шартномаларнинг нусхаси тақдим этилади.
Депозитга қўйилган маблағлар ҳисоб-китоб-қилиринг ташкилотига ёки сотувчи томонидан харидорнинг ёки унинг ишончли вақилининг ёзма аризага асосан у олинган кундан бошлаб беш банк кун мобайнида депозитга қўйилган валюта қайтарилди.
Савдо ғолибига депозитга қўйилган маблағлар сотиб олинган давлат активи учун пулвос ҳисобига ўтказилди.
Талабдор давлат акцияларининг сотувчиси ва эмитентдан давлат акцияларини сотиб олиш юзасидан ўз қарор қабул қилиши учун зарур бўлган қўшимча ахборотни сўраш ва олишга ҳақлидир, ўзининг хусусиятига кўра хизмат ёки тижорат сирини ҳисоблаган ахборот бундан мустасно.

Мурожаат учун манзил:
1. “Mulk savdo agenti brokerlik uyi” Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-йўл.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 232-10-45, 232-10-46.
2. “Тошкент” Республика Фонд Биржаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-йўл.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 236-07-40, 233-32-31.
3. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохчаси, 107-йўл.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-29-77.
e-mail: tashreg@bk.uz
Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўрилгандаги ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли “Ишонч телефони”га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.
Савдоларга марҳамат қилинг!

Тошкент вилояти “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2016 йил обуна мавсуми давом этмоқда.	
Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд.	
Вилоят обуна бўлими:	0-371-233-13-04
Ангрэн шаҳар филиали:	+998946546638
Бекобод шаҳар филиали:	+998903508872
Бекобод туман филиали:	+998901674327
Бўстонлиқ туман филиали:	+998949308405
Зангиота туман филиали:	+998909764793
	+998951971964
Олмалиқ шаҳар филиали:	+998917883393
Охангарон туман филиали:	+998935082299
Ўрта Чирчиқ туман филиали:	0-370-76-21-476
Чиноз туман филиали:	0-370-59-31-331
	+998955159677
Чирчиқ шаҳар филиали:	0-370-71-64-617
	+998901259907
Юқори Чирчиқ туман филиали:	+998901684678
Пискент туман филиали:	+998936197733
Қўйи туман филиали:	+998936138316
Янгийўл туман филиали:	0-370-60-22-034
	+998942152173
Паркент туман филиали:	+998901684678
ОБУНАГА ҚўМАҚЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ	

“КОР ТАМООҚ КО’СНМАС МУЛК САВДО” МЧЖ бошлангич баҳоси босқичида-босқич охиригача бўлиб ўтказилганда очик аукцион савдосига тақлиф этади.
Такорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Янқобод тумани СИЕ томонидан Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судининг 6.03.2015 йилдаги 1-42/15-сонли ижро варақасига асосан; 1) Бошланч нархи - 797 635 000 сўм бўлган; Тошкент шаҳар, Юнобод тумани, 11-5 уйда жойлашган, умумий майдон 144,19 кв.м, ушбу уйда қавати бинонинг, ўртини қаватидаги, 33-қондон “тураржой”; 2) Бошланч нархи - 79 559 100 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Янқобод тумани, Боткина кўчаси, 110/5-уйда жойлашган, умумий майдон 61,86 кв.м, ишга майдон 44,94 кв.м, бўлган икки қавати бинонинг иккинчи қаватидаги, 3 та ишга қондон “тураржой”; 3) Бошланч нархи - 67 058 100 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Янқобод тумани, Боткина кўчаси, 110/6-уйда жойлашган, умумий майдон 47,30 кв.м., ишга майдон 31,52 кв.м. бўлган икки қавати бинонинг иккинчи қаватидаги, 2 та ишга қондон “тураржой” қўйилмоқда. Такорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 10 ноябрь кун соат 11:30 да Тошкент шаҳар, Спавзор тумани, Бөрүнй қўчаси, 83-уйда жойлашган 311-қондон бўлиб ўтади.
Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланч баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заксалат пулини “КОР ТАМООҚ КО’СНМАС МУЛК САВДО” МЧЖнинг АТНБ “Илоҳия банк” Шабоқотур филиалдаги 20208000104931635001 қисм рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, ИИН 201728747, ОКОНХ 83400.
Савдога қў

Мутахассис маслаҳати

ГҶДАК НИҲОЛ КАБИДИР

Иш фаолиятим давомида она сутти билан парваришланган болалар сунъий эзиқ билан боқилган гўдакларга нисбатан ҳам жисмонан, ҳам ақлан яхши ривожланишига кўп бор гувоҳ бўлганман. Ҳозирги кунда янги туғилган болаларнинг тўксон саккиз фоизи она сутти билан озиқлантирилишига эришиш учун ҳаракат қилаяпмиз. Зеро, ҳар бир гўдак оиланинг, наслининг муносиб давомчиси бўлиб улғайиши ҳаммамизнинг орауимиздир.

Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино она суттини куёшга қисқалган. Алломанинг таъбирича, ер юзидagi мавжудотлар учун куёш нури қанчалик зарур бўлса, бола учун она сутти шунчалик ҳаётбахшдир.

Гўдакка олти ойдан бошлаб кўшимча овқатлар берилади. Кичкинтойга кўшимча овқат зарурлигини болалар шифокори гўдак ривожланиши-

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг ушбу белгиларига қараб аниқлайди: митти-вой катталарнинг кўмаги билан ўтиради ва бошини дадил тутта бошлайди. Болага кўшимча равишда мева-савзавотлардан тайёрланган бўтқа бериб кўриш лозим. Агар бола тилини чиқармасдан бўтқани еса, демак, унинг таомномасига кўшимча озуқа киритиш мумкин. Кўшимча озуқани витамин ва минераллар билан бойитилган, глютенсиз бўтқадан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Одатда болага гуручли бўтқалар ҳам тавсия қилинади. Улар енгил ҳазм бўлади, организм ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Кейинчалик болага глютенли, яъни буғдойли ёки жавдарли бўтқалар бериш мумкин.

Болаларнинг таомномасига гречка, буғдой, жавдар бўтқаларини киритиш лозим. Сабаби бу маҳсулотлардаги В1, В2, В6, РР, А, С, Д, Е витаминлари ҳамда тўйинма-

ган ёғ кислоталари ҳимоя кучини мустаҳкамлайди. В, Е, РР гуруҳи витаминлари, темир, микро ва макроэлементлар, клечатка каби кўплаб фойдали моддаларга эга.

Бола бир кунда тўрт маҳал овқатланиши за-

рур. Эрталабки нонушта кундалик овқатнинг 25 фоизини, тушлик 35 фоизини, пешин 15 ва кечки овқат 25 фоизини ташкил қилиши керак. Фарзанди мизнинг овқатни танлаб, оч қолса-да инжиклик қилиб, пиширилган таом-

ни емаслиги оқибатида иммунитетни сусайиб кетиши мумкин. Болаларнинг 20 фоиздан кўпроги овқатни танлаб ёйди, шу боис кўпчилиги ёшига нисбатан енгил вазнга эга бўлади. Бундай болаларда витаминлар етиш-

мовчилиги кузатилади.

Овқатни танлаб ейиш онанинг фарзандини олти ойлигидан икки ёшгача бўлган даврда нотўғри овқатлантириши натижасида келиб чиқади. Бу даврда оналар сабр-тоқатли бўлиши керак. Бола ўзи учун янгилик бўлган таомни ейишни истамаса ҳам 10-15 марта тақлиф қилиш керак. Бугун ейишни хохламадим, эртасига яна шундай таом пишириб бериши керак. Гўдак 6-8 ойлигида барча таомларни табиб кўришга мойил бўлади, аммо икки ёшдан сўнг танлаб ейишни ўрганади.

Мева ва мева шарбатлари ҳар кун овқатдан сўнг тановул қилиниши зарур. Чунки улар А ва С витаминлари манбаидир. Сут маҳсулотларида бола ривожланиши учун муҳим бўлган кальций моддаси мавжуд. Баъзи болалар сут ичишни унчалик хуш кўрмайди. Уларга қатиқ, йогурт ва айронларни бериш тавсия қилинади. Бу тўғри овқатланиш одатини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

ЎЗА МУХБИРИ
Ш. МАМАТУРОВА
ёзиб олди.



Спорт

ҲАМЮРТИМИЗ НУФУЗЛИ ТУРНИР ҒОЛИБИ

Франция пойтахти Парижда дзюдо бўйича ўтказилган "Катта дубулга" туркумига кирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Шаҳзод Собиров олтин медални кўлга киритди.

Саксондан зиёд давлатдан 400 нафардан ортиқ спортчи иштирок этган нуфузли турнирнинг вазни 81 килограммгача бўлган полковлар ўртасидаги беллашувларида Шаҳзод Собиров чехиялик Яромир Мусил, венгриялик Шаболц Крижан, голландиялик Франк де Вит, мўғулистонлик Уганбаатар Отгонбаатарни мағлубиятга уратиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи мусобақада россиялик Сергей Рабов устидан галаба қозонган ҳамюртимиз шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Вазни 60 килограммгача бўлган полковлар беллашувида қатнашган яна бир ҳамюртимиз Шарафиддин Лутфуллаев канадаллик Серхио Пессоа, туркиялик Бахир Озлу, бразилиялик Эрик Такабата ва швейцариялик Людвиг Чаммартинни енгиб, бронза медал билан тақдирланди. Биттадан олтин ва бронза медални кўлга киритган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида кучли бешликдан жой олди.

ЎЗА.

ГРАН-ПРИ СПОРТЧИМИЗДА

Таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Дмитрий Шокни Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда галаба қозонди.

Жорий йилги спорт мавсумида Д. Шокни қатор нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Жумладан, 2016 йилги ёзи Олимпиада ўйинларида йўлланма берувчи муҳим рейтинг очколари ўйналадиган Гран-при туркумига кирувчи турнирларда муваффақият қозонди. Август ойида Москвада ўтган турнирда олтин, Туркиянинг Самсун шаҳри мезбонлик қилган мусобақада бронза медални кўлга киритди.

Англиянинг Манчестер шаҳрида бўлиб ўтган Гран-при турнирининг учинчи босқичида ҳам спортчимиз шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Турнирнинг энг оғир вазн тоифасидаги таэквондочилар баҳсида қатнашган Дмитрий Шокни халқуви бахсда кубалик Рафаэль Кастильони енгиб, олтин медал билан бирга 2016 йилги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун бериладиган 40 рейтинг очкосини кўлга киритди.

Ғолиб спортчимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Б. АЙТУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

Ҳаёт сабоқлари

Ҳарбий хизматдан қайтган кунимни ҳеч унутолмайман. Бундай кунни ким ҳам унутарди, дерсиз. Тўғри. Лекин, фарқи шунки, ҳар сафар уни бошқаларга ўхшаб энтикиб эмас, аллақандай ўқинч ва изтироб билан эслайман...

Кишлоғимизга элтувчи йўл бошидаги бекатга келганимда юрагим ҳаприқиб кетди. "Тошкент - Чирчик" экспрессидан тушаётиб, йўл ҳақини узатаётганимда, рус ҳайдовчи аллақандай дағал, айна пайтада, ўқтам овоз билан: "Тушавер, аскар, биз юрт ҳимоячиларидан пул олмаймиз!" деганида-ку, ўзимни еттинчи омонда сездим.

Аммо бу қувончимнинг "умри" маҳалламиз бошигача бормади. Қадрдон тор кўчага қайилдим-у... тобут кўтарган тумонатга рўбарў келдим. Бундай пайтада, биласиз, ҳаммамнинг юзи тундлашган бўлади, лекин, барибир бу гапга маросим негадир бошқача, ғоят қайғули, изтироблидек туюлди. Тобут олдига тушиб кетаётганлар орасида бел боғлаб, хўнграб бораётган Ҳамид самоварни кўриб, ниманидир тушунадики бўлди, аммо ишонгим келмасди...

Шўрлик Ҳамид самовар... Кимникида тўй бўлса, ўчоқ қазишдан тортиб, самовар қўйишгача бўлган энг мушкул, яна уйқудан қолдирадиган ишларни зиммасига оладиган, кимникида томшашар бўлса, элдан бирун келиб, шимининг почасини қайираб-қайирмас лойга тушволадиган, мушукдек беозор, мулойим бу инсонни кишлоғимизда ёшу қари бирдек яхши кўради. Катталар: "Ҳамиднинг зуваласи лойдан эмас, мундан ясалган", деб мутойиба қилишарди. Ўзи ҳам қаердаки ўйинқароқ болаларга дуч келса, албатта, ёнгоқми, туршакми, пашмакми - бирор нима билан сийларди. Хуллас, ёши асли нечада эканини аниқ билиб бўлмайдиган бу одам мурал шўримишга мисли Хотамитойдек муҳрланиб қолганди.

Бир кун устакхонасида иш ҳаддан зиёд ортиб кетган темирчи ўз одатига кўра, мадрасага бирров бориб келишининг урда-сини қишлоқлабди. Шунга қарамай, иши битиб, кетишга чоғланган миҳозларидан бирига илтимос қилибди:

Тенгдошимиз Турсунали у кишининг ёлғиз фарзанди эди. Ақлимизни таниб, тушундикки, аввалги фарзандлари нобуд бўлавергач, юрак олдириб қўйган ота-она ўғлига шундай исм берган экан. Дунёнинг ишлари қизиқ-да. Турсунбой ашаб кетдию... аммо ота-онасига тўқис бахт ато қилолмади. Бечора... гунгун кар бўлиб тутилган экан, тили чикмади. Боз устига, ақли ҳам ноқисроқ бўлиб

– Биродар, билсангиз, қўшни қишлоқ мадрасасида ўғлим ўқийди. Худонинг берган кўни шу илмгоҳга болагинамни кўргани бориб, бир дон олма билан меҳмон қилиб келаман. Бўлмаса кеч-гача соғиниб, ичкиб қоламан. Ҳаёлим тўзиб, ишим унмайди. Бугун юмушим кўпайиб кетди, борилайдиганга ўхшайман. Ўғлим бечора мени кўзи тўрт бўлиб кутаётгани аниқ. Сизга бир омонат

қилган, алдаган, мадрасага бормаган.

– Хафа бўлманг, ўғлим, – юпатибди темирчи. – Эртага иккита олма олиб бораман.

Иттифоқо, эртасига темирчи дўконининг оғзини очиб, сандонни тақирлатиб ўтирса, худди ўша миҳоз мўралаб қолди. Темирчининг гинахонлик қилиб, кечаги алдовидан қаттиқ ранжиганини айтибди.

– Сиз олмани Имрон исми, мадрасадаги энг кўркам, энг зукко, энг баодоб болага беринг, дебмидингиз? – сўрабди миҳоз. – Мен худди шундай қилдим. Негаки, менинг ўғлим ҳам худди шу мадрасада ўқийди, унинг ҳам исми Имрон. Маъзур тутсинларким, толиби илмлар ичинда ўз ўғлимдан кўркам, зукко ва одоблисини топа билмадим...

...Чор-тарафи қизил духоба билан ўралган тобут тумонат оралаб қайикдек сузиб борарди. Ҳарбий либосдалигимни, армиядан қайтаётганимни ҳам унутиб, ўзимни оломонга ўрдим. Бир йилдан бери қўришмаган танишбилышлар билан салом-алик қилиш ёдимга келмас, бинобарин, бундай вазиятда биронинг мен билан иши ҳам йўқ, ҳамма ўзича қайғуга, тубсиз хаёллар уммонига фарқ бўлгандек эди.

Рост, ўшанда мен ҳам ба оҳиш шуурим билан асли жавобсиз бўлган саволларга бехуда жавоб излаш билан овора эдим. "Ажалда адолат борми ўзи? Бадқисматлик ҳам шунчалик бўларми? Наҳотки, шу мазлум инсон ҳам ҳаётдаги яккаю ягона илмчи, қувончидан айрилган бўлса?..."

Туйқус нигоҳларим ёлғизидан айрилиб, қадди бүкилган, тақдир қаршисида оҳиш ва нотавон қолган отага тушди.

– ...Турсунжон-они-им, булбулгўём, бола-ам...

Унинг кўнглини хуноб қиладиган ғамгин фарёди паришон ҳаёлларимни яна ҳам олисларга олиб кетди.

Шерали МУРОДОВ.

Бу – қизиқ

Шоирдан ўчини олди

Машҳур ёзувчилар ўзига хос феъл-атворга эга бўлишган. Масалан, Иоганн Вольфганг Гёте тутунни ёмон кўрарди. Ҳатто, ошхонасини тутатиб юборган ошпазни ишдан бўшатиб юборган. Бироқ, ошпаз ҳам анойилардан эмас экан. У кетар чоғида тамаки тутунни билан хонани тўлдириб Гётедан ўч олган. Александр Пушкин эса ҳаммомда ўқ узишни хуш кўраркан. Оноре де Бальзак ҳар кун 7-8 финжон қахва ичаркан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, у умри давомида 50 минг финжон қахва истеъмол қилган.

Ҳаводаги ҳовуз



Лондоннинг Nine Elms туманидаги кўп қаватли бинонинг томида янги ҳовуз барпо этиляпти. Унинг ўзига хослиги шундаки, шашадан ясалиб, Sky Pool ҳамда Embassy Garden биноларини бириштириб туради. Узунлиги 25 метр, чуқурлиги эса 3 метр

бўлади. Қурилиш ишлари 2018 йил бошида тугатилиши режалаштириляпти.


Экологияга зарари йўқ

Хитойликлар трамвайнинг аjoyиб турини кашф этдилар. Энди у доимий тармоққа уланган бўлиши шарт эмас. Нераки, водород батареялари билан ишлайди. CSR Sifang фирмаси муаллифлик лойиҳаси асосида ишга туширилган трамвай экологияга зарар келтирмаслиги билан бошқаларидан ажралаб туради. Хитойнинг Шаньдун ва Циндао шаҳри кўчаларида қатнай бошлаган трамвай бир марта қуваёт олиб, 100 километрғача массовий босиб ўта олади.

Ноёб қобилият

Ҳиндистонлик Приянши Сомани мураккаб амалларни миёсига еча олиш қобилиятига эга. У 6 ёшида мураккаб математик амалларни оғзаки баҳара олиши билан ҳаммани лол қолдирган. 11 ёшида эса, 16 мамлакатдан 36 нафар кўчликлар қатнашган "Mental Calculation World Cup" мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. Ўшанда Приянши олпти унлик сондан иборат квадрат илдиэни рекорд вақт, 6 дақиқаю 51 сонияда бажарган. У 2012 йилда яна бир бор квадрат илдиэни чикариш бўйича жаҳон рекордчиси айланган. Бу сафар унга 2 дақиқа-ю, 43 сония кифоя қилган.

Рассом хандаси



– Тўловларни вақтида тўлаганимда шунча оворагарчиликка дуч келмасдим.



БўЛАЖАК ҲОКИМГА СУЙҚАСД

Германияга келаётган чет эллик қочоқларни кўллаб-қувватлаши билан танилган сиёсатчи Генриетта Рекерни очик ярмаркада номаълум шахс пичоқ билан ярадор қилди.

Жиноятчи ҳужум чоғида бу ишни Германияни "кўчманчилар тўдаси"дан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширганини айтди. Келн шаҳридаги ярмаркада содир бўлган ушбу жиноят оқибатида сиёсатчидан ташқари, яна тўрт киши жабрланди. Жиноятчи эса қўлга олинди.

Генриетта Рекер Келн шаҳри ҳокимлиги лавозимига ўтказилаётган сайловларда етакчилардан бири ҳисобланади. Нафақат Рекернинг ўзи, балки

ушбу шаҳар аҳли ҳам қочоқларни кўллаб-қувватлашлари билан танилган. Сиёсатчи аёл агар шаҳар ҳокими этиб сайланса, этник келиб чиқиши, диний эътиқодидан қатъи назар, барча шаҳар аҳолиси учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратишни ваъда қилди.

CNN агентлигининг маълум қилишича, сиёсатчининг жароҳати унчалик ҳафли эмас. У сайловларда мустақил номзод сифатида иштирок этмоқда.

VOLKSWAGEN ИНВЕТОРЛАРИНИ ЙЎҚОТАЯПТИ

Юридик фирмаларнинг адвокатлари Volkswagenнинг Норвегия ва Қатардаги инвесторлари билан ушбу автомобиль концернига қарши даъво тақдим этиш ҳусусида музокара бошлашди.

The Telegraph газетасининг шу ҳақда тарқатган хабариди айтилишича, юристлар "дизелга оид жанжал" туфайли инвесторларни йўқотиш қарийб 40 миллиард еврога тушганини таъкидлашди. Бундан ташқари, ҳавога чиқариладиган зарарли моддалар миқдорини камайтириб кўрсатувчи махсус дастурий таъминот туфайли Volkswagen Европа қонунларини бузган бўлиши мумкин. Bild нашрининг маълум қилишича, Германия транспорт ва рақамли инфратузилма вазирли Александр Дорбиндт шу ҳақда ўзининг Европа Иттифоқидидаги қасбдошларига хат йўллади.

Автомобиль ишлаб чиқарувчи концерн атофидидаги ушбу жанжал Американинг атоф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги концерн

ўз автомобилларига АҚШда ўрнатилган қатъий экологик меъёрларни "айланиб ўтиш" имконини берувчи дастурий таъминотли дизель двигателлари ўрнатганини фож этгандан сўнг авж олиб кетди. Натижада, компания бошлиғи Мартин Винтеркорн истефо берди. Бундан ташқари, АҚШ ҳукумати концерн зиммасига 2009-2015 йиллар давомида мамлакатда сотилган қарийб 500 мингта Volkswagen ва Audi русумли автомобилларини савдодан қақириб олиш вазифасини юклди. Шунингдек, 18 миллиард еврога ҳарима солиш ҳақида тахдид қилди. Германия ҳукумати ҳам компания олдиға шундай талаб қўйиб, 2,4 миллионга автомобилларини савдодан қайтариб олиши лозимлигини таъкидлади.

ҚОЧОҚЛАРГА АТАЛГАН БИНОЛАРДА ЁНГИН

Швециянинг жануби-ғарбидидаги Холланд вилоятидаги қочоқларни жойлаштириш учун мўлжалланган собик мактаб биноси ёниб кетгани ҳақида хабар тарқатди Svenska Dagbladet нашри.

Ҳозиргача ёнғин нима сабабдан содир бўлгани аниқлангани йўқ. Полиция воқеа содир бўлган жойни ўраб олган. Қучли ёнғиндан ҳеч ким зарар кўргани йўқ, бироқ, бинонинг ярми бутунлай яроқсиз ҳолга келди.

Холланддаги ушбу ёнғин Крунуберг вилоятида кўчманчиларни жойлаштиришга мўлжалланган мактаб ёниб кетган куннинг эрта-

сиға содир бўлди. Шунингдек, Сконе вилоятида қаровсиз қочоқ болалар учун мўлжалланган барак ҳам ёниб, қулға айланган эди.

Мамлакатдаги яна бир нашр тарқатган хабарга кўра, йил бошидан буён Швециядан бошлана сўраганлар 86,2 минг кишига етди. Умуман, бу йил беш юз мингдан зиёд кўчманчи Европа Иттифиқи чегарасини кесиб ўтди.

УЧ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Орттирган шахсий бойлиги бўйича ҳақонда иккинчи ўринни эгаллаб турган мексикалик миллиардер Карлос Слим уч кунлик иш ҳафтаси жорий этишни таклиф қилди.

Унинг фикрича, бу ишсизликка қарши курашнинг энг таъсирли услуби эмиш. Миллиардер яна кўшимча қилдики, пенсияга чиқишнинг 75 ёшга қўтариш лозим. Карлоснинг айтишича, ҳафтасига уч кун, яъни 32-33 соат ишлаш кифоя. Бу кўшимча кўплаб одам-

ларнинг ишга жойлашшилари учун имконият яратди. Пенсияга чиқиш ёшини узайтириш эса, ҳатто фойда келтириши ҳам мумкин. Сабаби, кўп иш стажига эга бўлган ходимларнинг тажрибаси ҳам катта бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзил:

Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:

thaqiqat@uamail.uz

Телефонлар:

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Набатчи

Муқаллас ИСРОИЛОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Ҳафтининг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-4191.

Адади 7603.

Баҳоси келишилган нарда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсатиши – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.15.